



# “YOSH TADQIQOTCHI” ilmiy elektron jurnali

Vebssayt: <http://2ndsun.uz/index.php/yt>

## КЎПРИК ИНШООТЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИЛИГИНИ БЕЛГИЛАЙДИГАН АСОСИЙ ОМИЛЛАР

**Шожалилов Шухрат Шумуродович<sup>1</sup> Нуридинов Жамолиддин Хайриддин ўғли<sup>2</sup>  
Жамолов Билолиддин Камолиддин ўғли<sup>3</sup>**

*Тошкент давлат транспорт университети катта ўқитувчиси<sup>1</sup>*

*Тошкент автомобиль йўллари техникуми ўқувчиси<sup>2,3</sup>*

### Инфо:

Қабул қилинди: 25.03.2022  
Қўриб чиқилди: 25.03.2022  
Чоп этилди: 31.03.2022

**Калит сузлар:**  
Климат, кўприк,  
ҳисоблаш  
усуллари, техник  
диагностика,  
эксплуатация

### Аннотация

Ўзбекистон Республикаси климатик шароитлари ва дунё тажрибасини эътиборга олиб Н.С. Стрелецкий, А.Р. Ржаницин ва Болотин усуллари бўйича кўприк иншоотлари конструкцияларининг ишончлилигини ҳисоблаш қоидаларин ўрнатиш. Ўзбекистон Республикаси климатик шароитлари ва дунё тажрибасини эътиборга олиб темир йўл транспортида эксплуатация қилинаётган кўприкларнинг техник диагностикаси ва ишончлилик кўрсаткичлари ҳамда қолдиқ ресурсини баҳолаш.

Copyright © 2022. [Creative Commons Attribution 4.0 International License](https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/)

Иншоотни лойиҳалаш ва конструкциялаш жараёнида унинг ишончлилиги асослари белгиланади. Тайёрлаш жараёнида эса ҳар бир элементнинг амалий ишончлилиги таъминланади, қўлланаётган алоҳида деталлар сифати, конструкцияларни йиғиш ва монтаж қилиш сифатига боғлиқ бўлади. Тайёрлашдан сўнг ишончлиликни фойдаланиши тўғри йўлга қўйиш орқали

зарур даражада сақлаб туриш керак бўлади.

*Лойиҳалаштиришида* конструкция ишончлилигига таъсир қиладиган қуидаги омиллар хисобга олинади: қўлланётган элементлар сифати ва миқдори; элементлар ва деталлар ишлаш режими; уларни тайёрлаш стандартланиши ва унификацияланиши; деталлар, узеллар ва блокларнинг кўздан кечириш, таъмираш учун қулай жойлашиши.

*Курилиши ва фойдаланиши жараёнида* иншоот ишончлилигига қуидаги шарт-шароитлар таъсир кўрсатади: конструкциялардаги уларнинг лойиҳавий қийматларига мувофиқ келмайдиган ички кучланишлар; ташки муҳит таъсири; техник хизмат кўрсатиш тизими; хизмат кўрсатувчи ва таъмирловчи ишчи-хизматчиларнинг техник малакаси. Иншоотни монтаж қилиш қоидаларининг бузилиши; материаллар ва бутловчи буюмлар сифатининг тегишли назорати йўқлиги; материаллар навларга ажратилишининг бузилиши ҳамда уларнинг сифатсизига алмаштирилиши; ноҳуш шарт-шароитларда узоқ муддат сақланган элементлар ўрнатилиши; амалиётлар чоғида ва тайёр маҳсулотни чиқаришда етарли назорат йўлга қўйилмаганлиги, шунингдек монтаж технологиясининг ўзи бузилиши оқибатида умуман иншоот конструкциясининг ишончлилигига салбий таъсир кўрсатадиган шароитлар юзага келади. Замонавий иншоотларни катта миқдорини мураккаблигига кўра турли-туман компонентларнинг ўзгарувчан юклар таъсирига мойил бирикмасидан иборат бўлган катта тизимлар қаторига киритиш мумкин. Алоҳида кичик детерминацияланган тизим ва мосламалардан фарқли ўлароқ, катта тизимлар иши “тасодиф”ларга асосланади. Одатда, мураккаб тизимларда турли алоҳида қисмларнинг яхлит тизим учун аҳамияти турлича. Деярли ҳар доим уни нисбатан соддароқ таркибий қисмлардан тузилиб, олий ва қуий даражага ажralадиган моделга келтириш мумкин. Мураккаб тизимлар иерархияга асосланган бўлиб, уларни тадқиқ этиш методологияси физик ҳодисалардан фарқли ўлароқ тажрибага асосланмаган ва яхлитнинг ўз қисмiga нисбатан номаълумлигига асосланади. Бу ерда ана шундай тизимларни тадқиқ этишнинг тамойилларидан бири – рекуррент изоҳлаш тамойилини қайд этиб ўтиш муҳим: мазкур даражадаги тизим хоссалари бевосита қуий тизим элементларининг хоссаларидан келиб чиқиб белгиланади. Ҳар бир кейинги иерархия босқичига ўтишда мазкур даражага тизими олий даражадаги тизим элементига айланади. Иншоотнинг яхлит ҳолдаги ва унинг алоҳида элементлари иш қобилиятининг ўзгаришига олиб келадиган сабаблар йиғиндиси, уларнинг таъсир қилиш механизми нуқтаи назаридан, шартли икки – ички ва ташки сабаблар гурухига ажратилиши мумкин.

*Ички кўринишига* эга бўлган сабабларга конструктив элементлар тайёрланган материалларда кечеётган физик-кимёвий жараёнлар, фойдаланиш вақтида юзага келадиган юк ва жараёнлар, конструктив омиллар, тайёрланиш сифати кабилар киради.

*Ташки кўринишидаги* сабабларга иқлимий омиллар, атроф муҳит омиллари, шунингдек фойдаланиш сифати киритилади. Фикримизча, шунингдек, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тизимида кўзда тутилган таъсирларни ҳам шулар сафига киритиш керак бўлса керак.

*Биринчи* гурухга конструкция ва иншоотларнинг хисобий чегара ҳолатлари номенклатурасини тартибга соладиган умуммеъёрий қоидалар киритилиб, улар ўз ичига турли схема ва моделлар учун тавсия этиладиган, хисобий юк ва таъсирлар, ҳамда улар бирикмалари, шунингдек материалларнинг хисобий тавсифларини оладилар.

*Иккинчи* гурухдан тажриба-назарий тадқиқотлар ҳамда аввалги лойиҳалаштириш

тажрибаси натижалари асосида қабул қилинган ҳисобий схема ва моделлар ўрин олган. Улар ҳисоблаш усуллари, ҳажмий-режалаштириш ва конструктив ечимларни танлаш ва асослашни, мустаҳкамлик, барқарорлик ва чидамлилик бўйича меъёрий талаблар таъминланишини белгилаб берадилар. Бунда асосий омиллар қуидагилар ҳисобланади: тизимдаги кучлар ва деформацияларни аниқлаш усуллари; конструкциялар ва бирикиш узеллари қаршилигининг ҳисоблаши усуллари; қабул қилинган ҳисоблаш схемасининг реал шароитларга мувофиқ (адекват)лиги; силжиш ва узилишда бирикув ва сиқилишлар кўриниши ҳамда тизимлар фазовий ишланишининг ҳисоби; тизим, конструкция ва тугунларнинг пластик хоссалари ва унинг деформацияланишининг начизиклилиги; деформацияланиш, мустаҳкамлик ва узок муддат хизмат қилишини белгилайдиган узок давом этадиган жараёнларни ҳисобга олиш услубиёти.

*Учинчи гуруҳга* конструкцияларни тайёрлаш ва материаллар хоссаларининг ўзгарувчанлиги ва конструкцияларнинг юк кўтариш имконияти каби омилларни белгилайдиган, бино ёки иншоотни тиклаш жараёнида уларни монтаж қилиш шарт-шароитлари, конструкциялар ўлчамлари ҳамда лойиҳа бўйича ҳолатидан четга чиқишлар, уларни тайёрлаш ва монтаж қилишдаги нуқсонлар, қурилиш ишларини назорат қилиш кабилар киритилади.

*Тўртинчи гуруҳ* транспорт иншоотларидан техник фойдаланиш бўйича талаблар рўйхатини ўз ичига олиб, унга қуидагилар киритилган: режа – олдини олиш таъмирлари ҳамда уларнинг техник ҳолатини назорати, ҳамда хизмат қўрсатадиган ишчи-хизматчилар малакасини ўз ичига олган тизимдан иборат.

Иншоотлардан фойдаланиш жараёнида улар техник ҳолатининг ўзгаришига сабаб бўладиган баъзи омилларни кўриб чиқайлик. Улардан энг муҳимлари *конструктив кўринишга эга бўлган омиллардир*. Рационал конструктив ечимлар иншоот барча элементларининг белгиланган фойдаланиш муддати давомида уларнинг нормал ҳолатда сақлаш учун минимал меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда талаб этилган иш қобилиятини таъминлаб берадилар. Норационал конструктив ечимлар иш қобилиятини тезда йўқотиш ёки алоҳида конструктив элементларнинг синиши сабаб бўлиши мумкин.

*Атроф муҳим омиллари ҳамда иқлимий омилларнинг* иншоотлар элементлари ва конструкциялари ишлаш қобилиятига таъсири бевосита ёки конструктив элементлар иш қобилиятининг ўзгариши сабаблари бўлган жараёнларнинг кечиш жадаллигига таъсир кўрсатиш йўли билан намоён бўлади. Тегишли конструктив ечимлар ёрдамида ушбу омилларнинг салбий таъсири анча камайтирилиши ёки бутунлай олди олиниши мумкин. *Ишлаб чиқарии омиллари* конструкциялар иш қобилияти тавсифлари қийматларига каттагина ўзgartиришлар киритиб, фойдаланиш шароитлари эса уларнинг иш қобилияти тавсифларининг ўзгариши интенсивлигига катта таъсир кўрсатади.

Конструктив элемент иш қобилияти тавсифлари қийматини олишнинг асосий усуллари бўлиб статистика эксперименти ҳисобланади. Кўп омилли *статистика экспериментига* устуворлик бериш мақбул ҳисобланади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1.ШНК 2.05.03.12. Мосты и трубы. Госархитекстроеом РУз от 23.05.2012.

2.КМК 2.01.07–97. Нагрузки и воздействия. Госархитекстроеом РУз от (13.08.96) (изменение) от 30.12.2003.

3.Инструкция по содержанию и текущему ремонту мостовых сооружений и водопропускных труб на автомобильных дорогах. Утверждены приказом ГАК «Узавтойул» от 28.12.2014.– 100 с.

4.Ашрабов А. А., Раупов Ч. С. Основные определения и количественные показатели надежности строительных систем. Учебное пособие для студентов и аспирантов строительного профиля. ТашИИТ, 2005. – 83 с.

5.Ашрабов А.А., Раупов Ч.С. Метод предельных состояний в проектировании конструкций зданий и сооружений. ТашИИТ. 2005. 50 с.

6.Ашрабов А.А., Раупов Ч.С. Методы вероятностных расчетов строительных конструкций. ТашИИТ. 2005. – 111 с.